

**АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИНИ ЖИНОЯТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
АРИЗА ВА ХАБАРЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР БОСҚИЧИДА
АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Рузметов Одилбек Сатимович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг
мустақил изланувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текиширув босқичида айбсизлик презумпцияси принципини амалга ошириш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Муаллиф томонидан терговга қадар текиширув босқичида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тизими таҳлил қилинган, шунингдек мазкур босқичда айбсизлик презумпциясини таъминлашнинг долзарб масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: айбсизлик презумпцияси, терговга қадар текиширув, ариза ва хабарлар, жиноят иши қўзғатиш, шахс ҳуқуқлари, жиноят процесси, конституциявий кафолатлар, суд назорати.

Abstract. This article examines the features of implementing the presumption of innocence principle at the pre-investigation stage in applications and reports of crimes. The author analyzes the system of guarantees of the rights and freedoms of the individual at the stage of pre-investigation verification, as well as current issues of ensuring the presumption of innocence at this stage and ways to solve them. Scientific and practical proposals and recommendations for improving criminal procedure legislation have been developed.

Keywords: presumption of innocence, pre-investigation check, applications and reports, initiation of criminal proceedings, personal rights, criminal procedure, constitutional guarantees, judicial control.

Аннотация. В данной статье исследованы особенности реализации принципа презумпции невиновности на стадии доследственной проверки заявлений и сообщений о преступлениях. Автором проанализирована система гарантий прав и свобод личности на стадии доследственной проверки, а также указаны актуальные вопросы обеспечения презумпции невиновности на данном этапе и пути их решения. Разработаны научно-практические

предложения и рекомендации по совершенствованию уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: *презумпция невиновности, доследственная проверка, заявления и сообщения, возбуждение уголовного дела, права личности, уголовный процесс, конституционные гарантии, судебный контроль.*

Айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг энг муҳим конституциявий принципларидан бири бўлиб, у инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг асосий кафолати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс суд ҳукми қонуний кучга кирмагунча айбдор ҳисобланмайди. Бу принцип жиноят процессининг барча босқичларида, шу жумладан жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширув босқичида ҳам қатъий амал қилиши лозим.

Терговга қадар текширув босқичи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан мана шу босқичда шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари хавф остида қолиш эҳтимоли мавжуд. Амалиётда терговга қадар текширув босқичида айбсизлик презумпцияси принципи кўп ҳолларда расмий тарзда тан олинса-да, унинг мазмунан тўлиқ амалга оширилишида жиддий муаммолар мавжуд.

Масаланинг долзарблиги шундан иборатки, терговга қадар текширув босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тизимини такомиллаштириш жиноят процессининг демократик асосларини мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқий стандартлар ва ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам мазкур масаланинг чуқурроқ тадқиқ этилишини талаб қилмоқда.

Айбсизлик презумпцияси ҳуқуқий принцип сифатида узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси (1966 йил), Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 6-моддаси (1950 йил) каби халқаро ҳужжатларда ушбу принцип мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс, агар унинг айби қонунда белгиланган тартибда, суд муҳокамаси орқали исботланиб, суд ҳукми қонуний кучга кирмаган бўлса, айбдор ҳисобланмайди. Бунда шахсни айбдор деб тан олиш бўйича барча шубҳалар ушбу шахс фойдасига ҳал этилади.

Айбсизлик презумпциясининг мазмунини қуйидаги асосий элементлар ташкил этади: биринчидан, шахс тўғрисида суднинг айблов ҳукми қонуний

кучга кирмагунга қадар у айбдор ҳисобланмайди; иккинчидан, айбни исботлаш мажбурияти айблов тарафига юклатилади; учинчидан, шахсни айбдор деб тан олиш бўйича бартараф этилмаган шубҳалар унинг фойдасига ҳал этилади; тўртинчидан, айблов ҳукми тахминлар ёки фаразларга эмас, балки ишончли далилларга асосланиши керак.

Юридик адабиётда айбсизлик презумпцияси объектив ва субъектив жиҳатларга бўлиб ўрганилади. Объектив жиҳатдан, у ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ва жиноят процессининг барча иштирокчилари учун мажбурий бўлган тамойилдир. Субъектив жиҳатдан эса, у ваколатли шахсларнинг ҳуқуқий онги ва ҳаракатларига бевосита таъсир кўрсатади.

Терговга қадар текширув босқичи жиноят ишини қўзғатишдан олдинги босқич бўлиб, унда жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар қабул қилинади, рўйхатга олинади ва текширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига мувофиқ, суриштирув ва тергов органлари жиноят белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга оширади.

Терговга қадар текширув босқичида қуйидаги муҳим процессуал хусусиятлар мавжуд: аввало, ушбу босқичда шахс расман гумонланувчи ёки айбланувчи мақомига эга бўлмайди; бироқ амалда унга нисбатан турли текширув чоралари қўлланилиши мумкин, бу эса шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш хавфини юзага келтиради.

Терговга қадар текширув босқичида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор тушунтириш олиш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва бошқа текширув ҳаракатларини амалга оширишга ҳақли. Бунда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масала шундаки, мазкур ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар шахсни айблаш учун асос бўлиши мумкин ва шу боис айбсизлик презумпцияси кафолатлари ушбу босқичда ҳам тўлиқ таъминланиши зарур.

Қонунчиликда терговга қадар текширув муддатлари белгиланган бўлиб, улар ариза ёки хабар олинган пайтдан бошлаб уч кунгача, айрим ҳолларда эса ўн кунгача бўлиши мумкин. Муддатларнинг чекланганлиги бир томондан жиноят ишларини тезкорлик билан кўриб чиқишни таъминлайди, бошқа томондан эса шахс ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш имкониятини чегаралаши мумкин.

Терговга қадар текширув босқичида айбсизлик презумпцияси принципини амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарур.

Биринчи муаммо шахснинг процессуал мақоми масаласи билан боғлиқ. Терговга қадар текширув босқичида шахс расмий тарзда на гумонланувчи, на

айбланувчи ҳисобланмайди. Бироқ амалда у бевосита текширув объекти сифатида иштирок этиши мумкин. Бу ҳолатда шахснинг ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа процессуал кафолатлар масаласи юзага келади. Амалдаги қонунчиликда ушбу масала етарли даражада тартибга солинмаган.

Иккинчи муаммо терговга қадар текширув босқичида тўпланган маълумотларнинг далиллик аҳамияти билан боғлиқ. Айбсизлик презумпцияси принципига кўра, далиллар қонунда белгиланган тартибда тўпланиши керак. Бироқ терговга қадар текширув босқичида тўпланган материалларнинг қай даражада далил сифатида қабул қилиниши масаласи ҳали тўлиқ ечимини топмаган. Бу эса шахснинг ҳуқуқлари поймол этилиши хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Учинчи муаммо оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликнинг терговга қадар текширув натижаларига муносабати масаласидир. Кўп ҳолларда текширув бошланиши тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларига тушиб, шахс ҳақида салбий фикр шаклланишига олиб келади. Бу эса айбсизлик презумпциясининг маънавий-психологик жиҳатининг бузилишини англатади. Суднинг айблов ҳукми чиқарилмасдан туриб, жамоатчилик назарида шахс айбдор сифатида кўрилиши жиддий ҳуқуқий ва ахлоқий муаммодир.

Тўртинчи муаммо мажбурлов чораларини қўллаш масаласи билан боғлиқ. Терговга қадар текширув босқичида шахс нисбатан ушлаш, ҳужжатларни олиб кўйиш, йўлланмани чеклаш каби чоралар қўлланилиши мумкин. Бу чоралар шахснинг айбсизлик презумпцияси кафолатларига зид бўлиши мумкин, агар улар етарли ҳуқуқий асосга эга бўлмаса ёки мутаносиблик принципига риоя этилмаса.

Хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув босқичида айбсизлик презумпциясини таъминлаш борасида муҳим тажриба тўпланган.

Германия Федератив Республикасининг жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув босқичи (Vorermittlungsverfahren) алоҳида тартибга солинган бўлиб, шахснинг ҳуқуқлари кенг доирада кафолатланган. Хусусан, шахс ўзига нисбатан текширув ўтказилаётганлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши, адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ва ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур этилмаслиги таъминланган.

Франция Республикасида прелиминар суриштирув босқичида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилган. Жиноят процесси кодексига 2011 ва 2014 йилларда киритилган ўзгартиришларга кўра, терговга қадар текширув босқичида шахснинг адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқи кенгайтирилган ва прокурор назорати кучайтирилган.

Россия Федерациясида жиноят иши кўзгатишгунча бўлган босқичда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи узоқ вақтдан бери муҳокама қилинмоқда. Россия Федерацияси Конституциявий судининг бир қатор қарорларида терговга қадар текширув босқичида шахснинг юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа процессуал қафолатлар мустаҳкамланган.

Бирлашган Штатлар ҳуқуқий тизимида Конституциянинг бешинчи тузатмаси бўйича шахс ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур эмас, бу қафолат жиноят процессининг барча босқичларида, шу жумладан полиция суриштируви босқичида ҳам амал қилади. Миранда қоидалари тизими эса ушлаб турилган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида маълумот бериш мажбуриятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, терговга қадар текширув босқичида айбсизлик презумпцияси принципини самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Биринчидан, Жиноят-процессуал кодексига терговга қадар текширув босқичида шахснинг процессуал мақомини аниқ белгиловчи алоҳида нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда шахснинг тушунтириш бериш ёки бермаслик ҳуқуқи, адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқи, текширув ҳаракатлари натижалари билан танишиш ҳуқуқи ва бошқа процессуал қафолатлар аниқ тартибга солиниши лозим.

Иккинчидан, терговга қадар текширув босқичида шахс нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилиши тартибини қатъий регламентлаш зарур. Бунда мажбурлов чоралари фақат қонунда белгиланган асосларда, мутаносиблик принципига риоя қилган ҳолда ва, имкон қадар, суд санкцияси асосида қўлланилиши кераклиги таъкидланмоғи лозим.

Учинчидан, терговга қадар текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида тарқатилишини чеклаш борасида қонунчиликни такомиллаштириш лозим. Бунда шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек маълумотларни ошкор қилган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш зарур.

Тўртинчидан, терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратини кучайтириш ва суд назоратини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, терговга қадар текширув босқичида шахснинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда суд орқали ҳимоя олиш имкониятини кенгайтириш зарур.

Бешинчидан, ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимларининг айбсизлик презумпцияси принципини тўғри тушуниши ва қўллаши бўйича малака ошириш тизимини такомиллаштириш лозим. Бунда назарий билимларни

амалиёт билан уйғунлаштириш, халқаро стандартларни ўрганиш ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Олтинчидан, жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни тергов олдидан текшириш тартибини тартибга солувчи алоҳида қонун ёки кодекснинг тегишли бўлимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу норматив ҳужжатда терговга қадар текширувнинг мақсад ва вазифалари, текширув ҳаракатларининг тартиби, шахс ҳуқуқларининг кафолатлари, далилларни тўплаш қоидалари ва бошқа масалалар батафсил тартибга солиниши лозим.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, терговга қадар текширув босқичида айбсизлик презумпцияси принципини амалга ошириш масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Жиноят процессуал қонунчилигида ушбу босқичда шахснинг процессуал мақоми, ҳуқуқ ва кафолатлари етарли даражада тартибга солинмаганлиги шахс ҳуқуқларининг бузилиши хавфини келтириб чиқармоқда.

Айбсизлик презумпцияси терговга қадар текширув босқичида тўлиқ ва самарали амал қилиши учун қуйидаги шартлар зарур: шахснинг процессуал мақоми аниқ белгилаш, мажбурлов чораларини қўллаш тартибини қатъий регламентлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш, прокурор ва суд назоратини кучайтириш, ҳамда ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимларининг малакасини ошириш.

Мақолада илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тизимини мустаҳкамлашга, шунингдек терговга қадар текширув босқичида қонунийлик принципини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Ушбу масалаларнинг янада чуқурроқ тадқиқ этилиши жиноят процесси фани ва амалиётининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент, 2024.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1948 йил 10 декабрь.
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1966 йил 16 декабрь.
5. Тухташева У.А. Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал йўллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2017.

6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. 1: Жиноят тўғрисида таълимот. – Тошкент: ILM ZIYO, 2010. – 400 б.
7. Хайриев Н.И. Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш. Монография. – Тошкент, 2019.
8. Кучкаров Х.З. Жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни такомиллаштириш масалалари // Давлат ва ҳуқуқ. – 2024. – №2. – Б. 45-52.
9. Головки Л.В. Курс уголовного процесса. – Москва: Статут, 2017. – 1280 с.
10. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: учебник. – Москва: Норма, 2020. – 752 с.
11. Weigend T. Should We Search for the Truth, and Who Should Do It? // North Carolina Journal of International Law and Commercial Regulation. – 2011. – Vol. 36. – P. 389-416.
12. Ashworth A., Redmayne M. The Criminal Process. 4th ed. – Oxford: Oxford University Press, 2010.